



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
Келажаги  
Буюк  
Давлат

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

2024 йил 5 апрель, № 69 (8692)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИ ХИВАДА УЧРАШУВ ЎТКАЗАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев 5 апрель куни ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Қадимий Хива шаҳрида ўтадиган музокараларда Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ҳамда кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилади.

Ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини кўпайтириш, иқтисодийнинг муҳим тар-

моқларида кооперация алоқаларини ривожлантириш, транспорт ва энергетика соҳаларида инфратузилмавий лойиҳаларни амалга ошириш, гуманитар дастурларни фаоллаштиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Давлат раҳбарлари минтақавий кун тартибидagi масалаларни ҳам муҳокама қиладилар.

Ў.А.



Ўзбекистон — Қозоғистон:

## МУШТАРАК ТАРИХ ВА ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК ТАМОЙИЛЛАРИГА СОДИҚЛИК НАМУНАСИ

Ўзбекистон ва Қозоғистон энг яқин қўшни ҳамда иттифоқчи давлатлардир. Уларнинг муносабатлари умумий дўстлик ва яхши қўшничилик тамойиллари асосида қурилган.

Ҳар икки давлат ҳам минтақавий шериклик кун тартибидан изчил ривожлантиришда. Бу жараёнда ҳар бир мамлакатнинг узоқ мuddатли ва изчил ривожланиши бутун минтақанинг барқарорлиги ва фаровонлиги билан узвий боғлиқлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Биргаликдаги саъй-ҳаракатлар натижасида Марказий Осиёда мутлақо янги сиёсий муҳит вужудга келди. Минтақа халқаро дипломатия, сиёсий фаоллик ва иқтисодий ривожланишнинг янги маркази сифатида шаклланди.

Ўзбекистон Президенти томонидан 2017 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида илгари сурилган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари механизми доирасида самарали мулоқот олиб борилмоқда. Шу билан бирга, Ўзбекистон ва Қозоғистон раҳбарлари минтақани халқаро ҳамкорликнинг тобора муҳим механизмига айланиб бораётган "Марказий Осиё+" платформалари доирасида ҳам бирлаштиришга содиқ эканини намойиш этмоқда.

1992 йил ноябрь ойида дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан буён Ўзбекистон ва Қозоғистон ижтимоий-сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда икки томонлама ҳамда кўп томонлама ҳамкорликнинг динамик моделини намойиш этди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22-23 март ва 2021 йил 5-6 декабрь кунлари Қозоғистонга, Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг 2019 йил 14-15 апрель ва 2022 йил 21-22 декабрь кунлари Ўзбекистонга амалга оширган давлат ташрифлари янги босқичдаги ўзаро ҳамкорлик учун кучли туртки бўлди. Ушбу ташрифлар натижасида ҳукуматлараро ва идоралараро бир қатор ҳужжатлар, шунингдек, савдо-иқтисодий ҳамкорлик соҳасидаги келишувлар тўғрисида имзоланди. Давлатларимиз ўртасида Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартно-

маннинг имзоланиши икки томонлама муносабатларни мисли кўрилмаган юқори даражага кўтарган чинакам тарихий воқеа бўлди. Икки давлат халқаро сиёсат масалаларида бир-бирини қўллаб-қувватлаб, халқаро ташкилотлар — БМТ, ШХТ, МДХ, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Туркий давлатлар ташкилоти, Оролни кутқариш халқаро жамғармаси ва бошқа тузилмалар доирасида самарали ҳамкорлик қилмоқда. Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик кўплаб масалалар юзасидан томонларнинг позициялари ўхшаш ёки яқин.

Бу борада икки давлат ташқи сиёсат идоралари ўртасидаги мунтазам алоқалар муҳим ўрин тутди. Жорий йилнинг февраль ойи ўрталарида Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Бахтиёр Саидов расмий ташриф билан Қозоғистонда бўлди. Ташриф давомида Ўзбекистон ТИВ раҳбари Президент Қосим-Жомарт Тоқаев томонидан қабул қилинди ва Бош вазир ўринбосари — ташқи ишлар вазири Мурат Нуртлеу билан музокаралар ўтказди.

Мамлакатларимиз ўртасида парламентлараро ҳамкорлик мустаҳкамланиб бормоқда. Хусусан, сўнгги йилларда делегациялар алмашинуви фаоллашди, парламентлар палаталари ўртасида мулоқот йўлга қўйилди.



Халқимиз азал-азалдан санъатга иштиқоманд, қай хонадонга борманг, албатта, деворга илинган бирор мусиқий асбобга, бежирим тасвирий санъат намуналарига кўзингиз тушади. Далада жавлон ураётган деҳқонга ёхуд боғбонга қулоқ тутсангиз, иш орасида доим ниманидир хиргойи қилиб юрганга гувоҳ бўласиз. Юртбошимизнинг мазкур мусиқа ва санъат мактабига ташриф буюриши соҳага қаратилган юксак эътиборнинг яна бир ёрқин ифодаси ўлароқ санъатсевар халқимиз қалбига қувонч бахш этди. Ташриф давомида мутасаддиларга соҳада кадрлар тайёрлаш тизимини янги босқичга кўтариш, навқирон авлодда санъатга, мусиқага муҳаббат уйғотиш юзасидан вазифалар белгиланди.



Президент ташрифидан сўнг

## ЁШ ИСТЕЪДОДЛАРГА ҚАНОТ БЎЛАЁТГАН МАСКАН

Президентимиз 3 апрель куни пойтахтимизда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари, янги таълим ва туризм объектиларида яратилган шароитлар билан танишиш чоғида Юнусобод туманида қад ростлаган 1-болалар мусиқа ва санъат мактабига ҳам бўлди. Давлатимиз раҳбари янги бинода иш бошлаган таълим даргоҳини кўздан кечирди, ўқитувчи ва санъатсевар ўқувчилар билан суҳбатлашиб, уларнинг фикр-мулоҳазаларини тинглади, бу ерда шароитларни янада яхшилаш бўйича зарур тавсиялар берди.



Мулоқот

## МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК УФҚЛАРИ

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Эрон Ислom Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Муҳаммадали Искандарийни қабул қилди.

Учрашувда Ўзбекистон ва Эрон ўртасидаги муносабатларнинг бугунги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари, хусусан, сиёсий, савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамда парламентлараро алоқаларини янада мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди. Давлатларимиз раҳбарлари ўртасидаги мунтазам мулоқот, ўзаро ташриф ва учрашувлар мамлакатларимизнинг турли соҳалардаги алоқалари янада кенгайтиришга муҳим туртки бергани алоҳида қайд этилди.

Мулоқот чоғида товар айирбошлаш ҳажми 2023 йилда 503,4 миллион доллар-

ни ташкил этгани, бу икки мамлакат салоҳиятига етарли эмаслиги, кўрсаткичи бир неча баробар ошириш имкониятларини кўриб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Транспорт логистикаси, тиббиёт ва фармацевтика, техник муҳандислик, фан ва технологиялар соҳаларида ҳамкорлик бўйича ишга солинмаган имкониятлар борлиги, мазкур йўналишдаги лойиҳалар иккала томон учун ҳам бирдек манфаат келтириши айтиб ўтилди.

Парламентлараро алоқалар давлатларимиз ўртасидаги муносабатларини янада мустаҳкамлашда муҳим

омил эканлигидан келиб чиқиб, дўстлик гуруҳлари ва кўмиталар даражасидаги мулоқотлар мунтазамлигини таъминлаш, ўзаро ташрифларни фаоллаштириш бўйича фикр алмашилди. Мамлакатларимиз ўртасида юқори даражада эришилган келишувларнинг ижросини таъминлашда парламентлар салоҳиятини ишга солиш муҳимлиги таъкидланди.

Шунингдек, халқаро ташкилотлар доирасида ҳам конструктив ҳамкорликни ривожлантиришга келишиб олинди.

Дўстона ва амалий руҳда кечган учрашув якунида элчи истиқболдаги режалар ва лойиҳаларни ҳаётга татиқ этишга бор билим ва салоҳиятини ишга солишни маълум қилди.

«Халқ сўзи».

## ЮНУСОБОД ТАЖРИБАСИ

асосида барча  
имкониятлар  
ишга солинади

Бугунги кунда Тошкент нафақат мамлакатнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий маркази пойтахти, балки Марказий Осиёда энг юқори суръатларда ривожланиб бораётган йирик шаҳардир. Сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар пойтахтимизни замонавий, яшаш учун қулай ҳудудга айлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 3 апрель куни халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида қатнашиб, пойтахтимизни янада тараққий эттириш, шаҳар аҳолиси турмушини янада яхшилашга оид муҳим тақдирларни илгари сурди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган вазифаларнинг аҳамияти ва зарурати тўғрисида, бу бўйича ўз муносабатини билдирди.

Акс садо

Илҳом АБДУЛЛАЕВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг  
Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва  
ахборот технологиялари масалалари кўмитаси  
раиси:

— Давлатимиз раҳбари пойтахтимизни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари масаласига тўхталиб, мегаполисни барқарор ривожлантиришга қаратилган қатор илғор ташаббусларни илгари сурди. Шу ўринда сайловчиларимни — Юнусобод тумани аҳолисини табриқлаб қўймоқчиман. Мазкур йиғилишга тайёргарлик босқичида давлатимиз раҳбари топширигига биноан Юнусобод тумани мисолида шаҳардаги ижтимоий-иқтисодий вазиятни ўрганувчи кенг қамровли эксперт гуруҳи тузилди. Президентимиз мазкур туманда истиқомат қилаётган фуқароларнинг ҳақиқий иқтисодий аҳоли қандай, ҳудуд аҳолиси қандай муаммоларга дуч келаётганини сўзда эмас, амалда ўрганиш мақсадида мутахассислар олдига бир қатор жиддий масалаларни қўйди.

Кўп қиррали ўрганишлар олиб борилиб, унинг якуни бўйича батафсил натижалар Президентга тақдим этилди. Ушбу маълумотлар асосида давлатимиз раҳбари пойтахтни яқин келажақда ривожлантириш бўйича комплекс стратегияни шакллантирди. Камбағалликка барҳам бериш, аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш чораларини кучайтириш каби масалалар давлатимиз раҳбарини вазибаларнинг устувор йўналишларидан бўлди.

Иқтисодий тараққиёт масалаларини ҳал этиш, фуқароларнинг бизнес фаоллигини ошириш, банк-молия хизматлари бўйича фаол мижозлар жамоасини шакллантириш учун банк сектори салоҳиятидан ҳар томонлама унумли фойдаланиш кутилмоқда.



## Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Конфессиялар ишлари бўйича кенгаш ҳамда Миллий маданий марказлар Республика жамоатчилик кенгашининг халқимизга

# МУРОЖААТИ

**Мухтарам юртдошлар!**  
Ўзбекистон азалдан ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши ва эътиқодидан қатъи назар, барча инсонлар учун муқаддас замин, Ватан бўлиб келган.

Юртимиз фуқаролари эътиқод қиладиган барча динларда табиати муҳофаза қилиш ибодат даражасига кўтарилгани эътиборга молик. Хусусан, муқаддас Қуръонни қаримда шундай марҳамат қилгани: "У сизларни ердан пайдо қилди ва унга сизни ободлиги учун қўйди". Аллоҳ таоло ушбу оят қаримда ер ва уни ўраб турган табиати асраб-авайлашга, ундан оқилона фойдаланишга буюради. Шунингдек, христианликнинг муқаддас

манбаси Библияда инсон илоҳий ижоднинг гули ва бошқа мавжудотлар учун жавобгар экани таъкидланса, яҳудийлик таълимотидаги "йўқ қилинаслик" тамойили табиат ва тирик мавжудотларга нисбатан шафқатсизлик, хусусан, мевали дарахларни кесилиши таъкидлайди.

Буддист ахлоқ кодексида "одамларга ва бошқа мавжудотларга зарар бермаслик" қайд этилган. Ҳиндуизм ҳамда Баҳоий таълимотида ҳам табиати муҳофаза қилишга қатъий қақрилади.

**Азиз ватандошлар!**

Сўнгги йилларда ҳаёнда кузатилаётган иқлим ўзгариши билан боғлиқ глобал муаммолар, афсуски, юртимизни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Рўй бераётган

чанг-тўзонлар, ҳавонинг ифлосланиши, шунингдек, ёғингарчилик меъёрларининг бузилиши сўзимиз тасдиғидир. Бу ҳар бир ақлирасо кишини бефарқ қолдирмаслиги лозим.

Куни кеча Президентимиз раислигида ўтказилган "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида баҳорги экиш мавсумини ташкил қилиш, чиқиндилар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш юзасидан видеоселектор йиғилишида ушбу долзарб масалага алоҳида тўхталиб, дарах экишни оммалаштириш, умуммиллий ҳаракатга айлантириш, ушбу ташаббусга чин дилдан ёндашиш лозимлиги таъкидланди.

Бу йил баҳорда "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида 125 миллион

туپ қўчат экиш белгиланди. Экология, атраф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигига "Менинг боғим" лойиҳасини ишга тушириш топширилди.

Ушбу мақсадда бюджетда назарда тутилган 50 миллиард сўм ажратилади. Жойларда 444 та яшил боғ ва 160 та жамоат паркинни ташкил қилишга кўрсатма берилди.

Президентимизнинг жонқуярлик билан айтган сўзлари ҳаётини асосга эга. Чунки сўнгги пайтларда аҳоли орасида атраф-муҳитга бепишанд, лоқайд қараш ҳоллари кузатилаётган.

Бундай ҳолатлар тобора кўпайиши натижасида глобал экологик муаммолар юзга келмоқда.

(Давоми 2-бетда).







